

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 676-ҳадис

676 - وَعَنْهُ قَالَ: كُنَّا إِذَا بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ يُقُولُ

لَنَا: «فِيَمَا اسْتَطَعْتُمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 7202، م 1867].

676. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ солиб, итоат қилишга байъат қилдик. Шунда у зот «Тоқатингиз етган нарсада» деб айтардилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳунинг бу гапларидан кўриниб турибдики, саҳобалар томонидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат такрорланиб турган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«**Тоқатларингиз етган нарсада**», дейишлари, Исломнинг умумий қоида-қонунларига мувофиқ гапдир. Исломда инсондан унинг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилиш йўқ.

Ушбу ҳадисдан олинган хулосалар:

- Расулуллоҳ алайҳиссаломга саҳобаи киромлар қайта-қайта байъат қилганлари. Демак, раҳбар билан унга эргашганлар орасидаги аҳднома-байъат вақти келганда янгиланиб тургани мақсадга мувофиқ экан.

- Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ олиш ва итоат қилиш ҳақида ҳам байъат қилинган.

- Ислом динида инсонни тоқатидан ташқари нарсага тақдир қилиш йўқ экани. Агар халифа тоқат қилина олмайдиган ишни буюрса, бандани унга имкони етмаса, итоат шарт эмас.

- Ишбошилар Расулуллоҳ с.а.в. ўз умматларига меҳрибон бўлганлари каби улар ҳам қўл остиларидагиларга шафқатли бўлишлари лозим.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI